

Президент Мустақиллик майдонига ташриф буюрди



Давлатимиз мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигига бағишенланган байрам тадбирлари бошланди. Президент Шавкат Мирзиёев 31 август куни Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, озодлигимиз, ёруғ келажагимиз ва пок ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар вакиллари ҳам монумент пойига гуллар қўйди.

Мамлакатимиз тарихида янги саҳифа очган, ҳалқимиз учун энг улуғ, энг азиз айём бўлган Мустақиллик байрамига ҳамма жойда катта тайёргарлик кўрилган. Пойтахтимиздаги тантанали тадбир бугун “Ўзбекистон” ҳалқаро анжуманлар саройида бўлиб ўтади.

